

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.К.01.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

РАХИМОВ САМАРИДДИН БОХОДИРОВИЧ

**ВАНАДИЙ, МОЛИБДЕН ВА ВОЛЬФРАМ ИОНЛАРИНИ
ИММОБИЛЛАНГАН ОРГАНИК РЕАГЕНТЛАР ЁРДАМИДА
СОРБЦИОН-СПЕКТРОСКОПИК АНИҚЛАШ УСУЛЛАРИНИ ИШЛАБ
ЧИҚИШ**

02.00.02 – Аналитик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
химическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
chemical sciences**

Рахимов Самариддин Боходирович

Ванадий, молибден ва вольфрам ионларини иммобилланган органик реагентлар ёрдамида сорбцион-спектроскопик аниқлаш усулларини ишлаб чиқиш..... 3

Рахимов Самариддин Боходирович

Разработка сорбционно-спектроскопических методов определения ионов ванадия, молибдена и вольфрама иммобилизованными органическими реагентами..... 21

Rakhimov Samariddin

Development of sorption-spectroscopic methods for the determination of vanadium, molybdenum and tungsten ions by immobilized organic reagents..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 42

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.К.01.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

РАХИМОВ САМАРИДДИН БОХОДИРОВИЧ

**ВАНАДИЙ, МОЛИБДЕН ВА ВОЛЬФРАМ ИОНЛАРИНИ
ИММОБИЛЛАНГАН ОРГАНИК РЕАГЕНТЛАР ЁРДАМИДА
СОРБЦИОН-СПЕКТРОСКОПИК АНИҚЛАШ УСУЛЛАРИНИ ИШЛАБ
ЧИҚИШ**

02.00.02 – Аналитик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.02PhD/K299 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.ik-kimyo.nuuz.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Сманова Зулайхо Асаналиевна
кимё фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Султонов Марат Мирзаевич
кимё фанлари доктори, доцент

Тиллаев Санжар Усмонович
кимё фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент фармацевтика институти

Диссертация химояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.K.01.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил « 19 » сентябрь соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4-уй. Тел: (99871)227-12-24, факс (99824)246-53-21; 246-02-24. e-mail:chem0102@mail.ru).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (140 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4-уй. Тел: (99871)227-12-24, факс (99824)246-53-21; 246-02-24. e-mail: chem0102@mail.ru).

Диссертация автореферати 2020 йил « 29 » 12 кун таркатилди.
(2020 йил « 28 » 12 даги 18 - рақамли реестр баённомаси).



Х.Т. Шарипов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.ф.д., профессор

Д.А. Гафурова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.ф.д.

Э. Абдурахманов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, к.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори диссертацияси аннотацияси (PhD))

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё микёсида сўнги йилларда ишлаб чиқариш ва саноатнинг жадаллашуви, илм-фаннинг ривожланиши, ҳамда ишлаб чиқаришда янги технологик жараёнларни амалиётга тадбиқ этилиши натижасида атроф муҳитга сезиларли даражада антропоген таъсири ортиб бормоқда. Бугунги кунда қўлланилаётган кўпгина аналитик таҳлил усуллари ёрдамида атроф-муҳитда тарқалган оғир-заҳарли, канцероген металлларни аниқлаш кўп вақт сарфлашни талаб этади. Шунинг учун ҳам металл ионларини аниқлашда иммобилланган органик реагентлардан фойдаланиб, анализнинг тезкор, қулай ва танлаб таъсир этувчан сорбцион-спектроскопик «гибрид» усуллари янада такомиллаштириш юқори самарадорликка эришишда муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳонда аналитик кимёгарлар томонидан оғир заҳарли металл ионларини толага иммобилланган комплекс ҳосил қилувчи органик реагентлар ёрдамида аниқлаш услубларини ишлаб чиқиш ва уларни ривожлантириш борасида кенг қамровли изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада толасимон ташувчиларга органик реагентларни иммобиллашда аналитик фаол гуруҳларнинг иштирок этиш механизмини аниқлаш, комплекс ҳосил бўлишида функционал фаол гуруҳларни танлаш ва янги услубларни яратиш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Атроф-муҳитнинг турли объектларидан ванадий, молибден, вольфрам ионларини аниқлашда органик реагентлар билан иммобилланган толалар ёрдамида танлаб таъсир этувчан, тезкор, юқори сезгирликка эга бўлган замонавий усулларни ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади.

Республикамизда кимё саноатини ривожлантиришда атроф-муҳит объектлари таркибидаги оғир ва заҳарли металл ионларини аниқлашнинг «гибрид» услубларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Олиб борилаётган дастурий чора-тадбирлар асосида мазкур йўналишда маълум ютуқларга эришилган, айниқса, оқава сувлар, рудалар, чиқинди маҳсулотлар таркибини сифат ва миқдорий назорат қилиш бўйича кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, органик реагентларни иммобиллаш ёрдамида атроф муҳитнинг турли объектларида металл ионларини аниқлаш учун янги сорбцион услублар ишлаб чиқилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «Маҳаллий хомашёни қайта ишлаш, тубдан янги турдаги маҳсулот ва технологиялар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш асосида тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни янада жадаллаштириш, сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришни такомиллаштириш» вазифалари белгилаб берилган. Республикамизда кимё саноати, халқ хўжалигида ванадий, молибден ва вольфрам каби металлларнинг кенг ишлатилиши сабабли, уларни аниқлаш учун замонавий, янада ишончли, тезкор ва арзон усулларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сонли «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги Фармони ҳамда

2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси» ҳақидаги Фармони ва 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сонли «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибдорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёда ванадий, молибден ва вольфрам ионларини аниқлашнинг кўпгина оптик ва электрокимёвий усуллари мавжуд. Бу усуллар билан олинган натижаларда сезгирлиги ва такрорланувчанлиги пастлиги, тезкор эмаслиги, халақит берувчи ионларнинг кўплиги кузатилди.

Кўпгина олимлар бу муаммони ҳал этишда иммобилланган органик реагентлардан фойдаланишни таклиф қилганлар. Иммобилланган органик реагентлардан фойдаланишга асосланган қаттиқ фазали-спектроскопик усуллар, янги ёндашувлардан бири бўлиб, сезгирлиги ва ишончлилиги билан барча талабларга жавоб беради. Бу йўналишда Золотов Ю.А., Саввин С.Б., Мясоедова Г.М., Брыкина Г.Д., Гавриленко Н.А., Лосев В.Н., Амелин В.Г., Моросанова Е.И., Дмитриенко С.Г. ва бошқа олимлар спектроскопик ва флуоресцент усулларни ишлаб чиқишган, бу усулларда турли силикагел сорбентлар, табиий цеолитлар, полиэтилен пленкалар, целлюлоза нитрати, поликапроамид гелли мембраналар, модифицирланган кремнеземлар ва бошқа ташувчилардан фойдаланилган.

Ўзбекистонда оғир металл ионларини аниқлашнинг тезкор ва содда усулларини ишлаб чиқиш билан Геворгян А.М., Насимов М.А., Абдурахманов Э., Джиянбаева Р.Х., Кабулов Б.Д., Шестерова И.П.лар шуғулланишган. Ванадий, молибден ва вольфрам ионларини аниқлашда иммобилланган органик реагентларни қўллаш халақит берувчи ионларнинг кескин камайиши, тезкорликнинг ошиши учун шароит яратади.

Диссертация мавзуси диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг Ф.22.7 «Селектив органик реагентлар синтези» (2012-2016 й), А.12.53 «Атроф муҳит объектларида экотоксикантларни фотометрик ва сорбцион-фотометрик аниқлаш усулларини ишлаб чиқишда полимер ташувчиларга иммобилланган реагентлар» (2015-2017 йй) ва ФЗ-20171024243 «Кобальт ва темир ионларини аниқлашда иммобилланган азореагентларнинг физик-кимёвий хоссаларини тадқиқ этиш» (2018-2019) мавзуларидаги фундаментал ва амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади иммобилланган органик реагентлар ёрдамида ванадий, молибден ва вольфрам ионларини саноат ва табиий объектларида аниқлашнинг тезкор, сезгир сорбцион-спектрофотометрик усулларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

органик реагентларни толали сорбентларга иммобиллашнинг оптимал шароитлари: муҳитнинг таъсири, толанинг статик ва динамик алмашилиш сиғимлари, иммобиллашда иштирок этаётган органик реагентнинг аналитик фаол функционал гуруҳларини, иммобилиш механизмини аниқлаш;

толага иммобилланган органик реагентлар билан ванадий, молибден ва вольфрам ионларини комплекс ҳосил қилишининг оптимал шароитлари: эритма кислоталигининг, Бугер-Ламберт-Бер қонунинга бўйсунуши, ҳалақит берувчи ионларнинг таъсирини аниқлаш;

комплекс бирикмаларнинг барқарорлик константалари, комплекс таркиби, комплекс ҳосил бўлиш механизмини аниқлашда квант-кимёвий ҳисоблаш, ИҚ ва нур қайтариш спектроскопиясининг танланган органик реагентнинг аналитик хоссалари билан боғлиқлигини ўрганиш;

ишлаб чиқилган сорбцион-фотометрик услубини ванадий, молибден ва вольфрам ионларини аниқлашда турли модел, бинар, учламчи ва мураккаб аралашмалари, оқава сувлар ҳамда кимё саноати чиқинди маҳсулотлари намуналарига қўллаш.

Тадқиқотнинг объекти рудалар, саноат корхоналари чиқиндилари, тупроқ ва оқава сувлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети ванадий, молибден ва вольфрам ионлари, уларнинг бирикмалари, ПАН асосидаги толалар, сульфо, азо, гидроксил гуруҳлар тутган органик реагентлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Оптик (сорбцион-спектрофотометрик, нур қайтариш спектроскопия, атом-абсорбцион) анализ усуллари, элемент анализи, ИҚ спектроскопияси ва квант-кимёвий ҳисоблаш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

функционал ва аналитик-фаол гуруҳлар тузилишига боғлиқ ҳолда органик реагентларни иммобиллашнинг аналитик тавсифлари аниқланган;

иммобилланган реагентларни ванадий, молибден ва вольфрам ионлари билан кимёвий аналитик хоссаларига асосланган таъсирлашиш механизми, функционал-фаол гуруҳларнинг жойлашишига ва ион ва координацион боғларнинг характерига боғлиқлиги исботланган;

ванадий, молибден ва вольфрам ионларга ҳалақит берадиган йўлдош катионлар ва анионларни таъсири аниқланган;

ванадий, молибден ва вольфрамни иммобилланган органик реагентлар ёрдамида сорбцион-спектрофотометрик аниқлаш янги усули яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

органик реагентлар: фенилфлуорон, пирокатехин бинафша, 1-(2-гидрокси -1-нафтой азо)-2-нафтол-4-сульфат кислотанинг натрийли тузларини толали сорбентларга иммобиллашнинг оптимал шароитлари аниқланган;

ванадий, молибден ва вольфрам ионларини иммобилланган органик реагентлар (фенилфлуорон, пирокатехин бинафша, 1-(2-гидрокси -1-нафтой азо)-2-нафтол-4-сульфат кислотанинг натрийли тузи) билан аниқлашда ишлаб чиқилган сорбцион-фотометрик усулини қўйи аниқланиш чегараси фотометрик усулга нисбатан 10 марта камайганлиги исботланган;

ванадий, молибден ва вольфрам ионларини иммобилланган органик реагентлар (фенилфлуорон, пирокатехин бинафша, 1-(2-гидрокси -1-нафтой азо)-2-нафтол-4-сульфат кислотанинг натрийли тузи) билан сорбцион-фотометрик усулида турли атроф-муҳит объектлари (рудалар, оқава ва ичимлик сувлари, тупроқ) таркибидан аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги олинган натижаларни «киритилди-топилди», «стандарт намуналар», «қўшимчалар қўшиш», квант-кимёвий ҳисоблашлар ва бошқа усуллар билан тасдиқланганлиги, атроф-муҳит объектларининг реал намуналари ДСТ усуллари билан солиштирилганлиги ва математик статистик усулларида қайта ишланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, полимер ташувчиларга органик реагентларни иммобиллашнинг оптимал шароитлари топилди, уларни ванадий, молибден ва вольфрам ионларига селектив таъсирини ошириш имкониятлари кўрсатиб берилди, бегона ҳалақит берадиган ионларнинг таъсири камайтирилди, шунингдек, реагентларнинг иммобилланиши ҳисобига ванадий, молибден ва вольфрам ионларини аниқлашнинг аналитик ва метрологик параметрлари яхшиланди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, ванадий, молибден ва вольфрам ионларини аниқлашнинг сорбцион-фотометрик усулларининг табиий ва саноат объектлари анализида қўлланилиши экоаналитик кимёнинг муаммоларини ечишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Саноат оқава сувларида ванадий, молибден ва вольфрам ионларини аниқлаш ва тозалашнинг янги сорбцион-фотометрик усулини ишлаб чиқиш бўйича олинган натижалар асосида:

иммобилланган органик реагентлар ёрдамида ванадий, молибден ва вольфрам ионларини аниқлашнинг сорбцион-фотометрик усули «Олмалик кон-металлургия комбинати» АЖнинг Марказий аналитик лабораториясида амалиётга жорий қилинган («Олмалик кон-металлургия комбинати» АЖнинг 2020 йил 28 августдаги 73/1-478-сон маълумотномаси). Натижада, оқава сувларда ванадий, молибден ва вольфрамни экспресс аниқлаш имконини берган;

ванадий, молибден ва вольфрам ионларини аниқлаш ва ажратиш усули «Навоий кон-металлургия комбинати» ДКнинг Марказий аналитик

лабораториясида амалиётга жорий қилинган (Навоий кон-металлургия комбинати» ДКнинг 2020 йил 16 октябрдаги 02-06-07/10874-сон маълумотномаси). Натижада, оқава сувлар таркибидаги оғир металлларнинг ионларини аниқлаш ва самарали тозалаш имконини берган;

ванадий, молибден ва вольфрам ионларини аниқлашнинг сорбцион-фотометрик усулидан ПЗ-20170925290 рақамли «Маҳаллий хомашёлар асосида ионитлар олиш ва уларни саноат чиқиндиларидан рангли ва камёб металлларни сорбциялашда қўллаш» мавзусидаги амалий лойиҳада саноат чиқиндилари рангли металлларни аниқлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 24 июндаги 89-03-2227-сон маълумотномаси). Натижада, саноат чиқиндилари таркибидаги оғир металл ионларини аниқлашнинг тест усулини ишлаб чиқиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқотнинг натижалари 10 та, жумладан, 4 та халқаро ва 6 та Республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган нашрларида 6 та, жумладан, 4 та республика ва 2 та халқаро журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари асослаб берилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатиб берилган, тадқиқотларнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари келтирилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларини жорий этиш рўйхати келтирилган, ишнинг нашр этилганлиги ва диссертациянинг тузилиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Ванадий, молибден ва вольфрам ионларини аниқлаш усуллари бўйича адабиётлар шарҳи» номли биринчи бобида ванадий, молибден ва вольфрам ионларини сорбцион-спектроскопик усуллар ёрдамида турли сорбентлар билан аниқлаш, табиатига кўра турлича бўлган сорбентлардан фойдаланиш, уларни сорбцион-спектроскопик ва визуал-тест усулларда қўлланилиши, оптик кимёвий сенсорларда ишлатилиши бўйича мавжуд маълумотларнинг таҳлили келтирилган.

Турли объектларда иммобилланган реагентлар ёрдамида оғир захарли металлларни аниқлаш натижалари тизимлаштирилди. Қайд этилдики, ванадий, молибден ва вольфрам ионларини аниқлаш учун органик реагентларнинг

толасимон сорбентларга иммобилланиши етарлича ўрганилмаган. Бу жараён эса тадқиқот объектини аниқлашга ёрдам берган.

Диссертациянинг «Ишлатиладиган асбоблар, материаллар ва реактивлар. Ишлатиладиган эритмалар ва реактивларни тайёрлаш усуллари» номли иккинчи бобида материаллар, асбоблар ва тадқиқот усуллари, металлларни стандарт ва ишчи эритмаларини ҳамда реагентларни тайёрлаш, намуналарни танлаш ва уларни тайёрлаш усуллари келтирилган. САС ва ДАС, сорбция ва десорбция жараёнларини бажариш ҳамда модда таркибини аниқлаш усуллари келтирилган. Органик реагентларнинг структура формулалари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Органик реагентларнинг тузилиш формулалари

№	Реагент номи	Техник номи. Брутто формуласи	Mr	Реагентнинг тузилиш формуласи
1	фенилфлуорон (2,6,7-тригидрокси-9-фенил-3(3Н)-ксантенон)	(ФФ) $C_{19}H_{12}O_5$	320	
2	Пирокатехин бинафшаси	(ПБ) $C_{19}H_{14}O_7S$	386	
3	1-(2- гидрокси -1-нафтойазо)-2-нафтол-4-сулфат кислотанинг натрийли тузи	(ГННС) $C_{20}H_{13}N_2O_5S$	393	

Полимерлар кимёси кафедрасида арзон маҳаллий хомашёдан синтез қилинган ПАН-ташувчига иммобилланган органик реагентларнинг физик-кимёвий хоссалари ўрганилди. Турли ташувчиларга реагентни иммобилланишининг оптимал шароитлари 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал


Органик реагентларни иммобилланишининг қулай шароитлари
($m_H=0,2$ гр.)

Реагент	Ташувчи	pH	Буфер аралашма ҳажми, мл	Ютилиш максимуми, нм	Вакт, мин.
ФФ	ППД-1	3,0 – 5,0	2,00	440	5
ПБ	ППД-1	3,5 – 5,5	4,00	550	5
ГННС	ППД-1	3,0 – 6,0	3,00	513	5


Кейинги тадқиқотларда ППД-1 толага иммобилланган реагентлар ишлатилди, улар ванадий(IV), молибден (IV) ва вольфрам (IV) ионларини аниқлаш учун қўлланилди.

Диссертациянинг «Ванадий(IV), молибден(IV) ва вольфрам(IV)ни комплекс ҳосил қилиш ва иммобилланиш шароитларини муқобиллаштириш ва аналитик тавсифлари» номли учинчи бобида


реагентларнинг оптик ва физик-кимёвий тавсифлари, уларнинг ванадий, молибден ва вольфрам ионлари билан комплексларини олишнинг оптимал шароитлари келтирилган. Ўрганилган реагентларнинг турли хил ФФГ ва АФГ таъсири ўрганилган вақтда аниқландики, ПАН-толасига органик реагентлар иммобилланганда ҳам функционал фаол гуруҳлар ўзининг танлаб таъсир этувчанлик хусусиятларини сақлаб қолади. Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, АФГ борлиги, синтез қилинган реагентларни ванадий, молибден ва вольфрам ионларига нисбатан танлаб таъсир этувчан таъсирини ва сезгирлигини оширади.




1-расм. ФФ турли тодаларда иммобилланишигача (1) ундан кейинги (2) нур қайтариш спектрлари ($C_R=0,2M$, $\lambda_R=440nm$, $pH=5$, $m_{сорб.}=0,2000g$, $V=10мл$, $t=17$ мин).



2-расм. ГННС турли тодаларда иммобилланишигача (1) ундан кейинги (2) нур қайтариш спектрлари ($C_R=0,2M$, $\lambda_R=513nm$, $pH=4-6$, $m_{сорб.}=0,2000g$, $V=10мл$, $t=8$ мин).




3-расм. ФФни ППД-1 толага иммобилланишидан олдинги (1) ва кейинги (2) ҳамда унинг ванадий иони билан комплексининг (3) ютилиш спектрлари ($C_R=0,2M$, $\lambda_R=440nm$, $pH=5$, $m_{сорб.}=0,2000g$, $V=10мл$, $t=17$ мин).




4-расм. ГННС ни ППД-1 толада иммобилланишидан олдинги (1) ва ундан кейинги (2) ҳамда унинг вольфрам (3) ионлари билан комплексининг ютилиш спектрлари ($C_R=0,2M$, $\lambda_R=513nm$, $pH=4-6$, $m_{сорб.}=0,2000g$, $V=10мл$, $t=8$ мин).

Реагентларнинг нур ютилиш ва қайтарилиш спектрларининг таҳлили шуни кўрсатадики (1-4 расм), нур ютилиш ва қайтарилиш спектрларида ўхшашлик кузатилади. Ёруғликнинг ютилиш максимумларини батохром силжиши, реагентларни турли муҳитларда турлича диссоциланиши билан боғлиқ экан. Ванадий(IV), молибден(IV) ва вольфрам(IV) ионларини аниқлаш учун реакцияни кучли ва кучсиз кислотали муҳитда олиб бориш лозим, чунки бошқа муҳитларда қайтмас жараёнлар кечади ва натижада керакли аналитик сигнал олиш имконияти бўлмади.

Нур қайтариш ва ютилиш спектрларининг энг яхши натижаларини ППД-1 толага иммобилланган ГННС беради, бу унинг функционал гуруҳлари билан ташувчининг гуруҳлари ўртасидаги кимёвий боғ ҳисобига амалга оширилади. Ўрганилган ПБ ва ГННС реагентларнинг сульфогуруҳи сорбентларнинг ионлашган аминогуруҳлари билан қуйидаги схема бўйича реакцияга киришиши аниқланди:



ФФ реагенти учун эса қуйидаги механизими таҳлил қилинди



Таклиф этилган схема бўйича реакцияни боришига иммобилланган тизимлардаги ИҚ-спектрларнинг ютилиш чизикларини силжиши кўрсатади, улар бу реакцияда иштирок этаётган сорбентларнинг ФФГ ва иммобилланган реагентларга тегишли. Иммобилланган реагентларнинг ва уларнинг металл ионлари билан комплексларининг тузилишини ўрганишдаги электрон ва ИҚ-спектроскопик таҳлил натижалари реакциянинг ушбу механизмини исботлаб берди.


Квант-кимёвий усуллар (ORCA дастурининг B3LYP/def2-TZVP усули) ёрдамида реагентларнинг электрон зичликларини максимумлари ҳисоблаб топилди. Бу усуллардан фойдаланган ҳолда, кислотали муҳитда реагентларнинг протонланиши натижасида электрон жуфтнинг электростатик тортилиши ҳисобига координатсион боғ ҳосил бўлади. Иммобиллаш учун танлаб олинган реагент бир нечта потенциал марказлар тутган бўлади, улар азот, кислород атомларида концентранган бўлади, улар металл ионларига юқори электростатик тортишишга эга.

Квант-кимёвий ҳисоблаш усуллар ёрдамида бажарилган ва улар асосида реакция қобилияти юқори бўлган энг фаол донор атомларнинг самарали зарядлари ва реагентларнинг молекулаларида донор марказларнинг электрон зичликларини тақсимланиш характери топилди.

Маълумки, электростатик потенциал сатҳи молекулаларнинг, айниқса, ковалент боғланмаган таъсирлашувлар учун реакция марказларни аниқлашда муҳим кўрсаткич бўлиб, молекуланинг нуклеофил ва электрофил марказларини кўрсатади. 5-расмда қизил сферик чизик ЭСП сатҳининг манфий соҳаси бўлиб, электронларга бой соҳа ҳисобланади. Бинафша сферик чизиклар ЭСП сатҳининг мусбат соҳаси бўлиб, электронга тақчил соҳаларни кўрсатади.

1 бирикмада 3 та ОН гуруҳи бўлиб, улардаги ҳаракатчан (электронно-дефицит) Н атомини топишда ЭСП сатҳи мусбат қийматлари муҳим аҳамият касб этади. ЭСП сатҳи таҳлили 3 та гидроксил гуруҳда электрон зичликнинг 3 хилда тақсимланганлигини кўрсатди. Энг кам мусбат ЭСП максимуми қиймати гуруҳидаги кислород атоми билан ички молекуляр водород боғ ҳосил қилган гидроксил гуруҳидаги водород атомида эканлиги аниқланди. Энг фаол натрий, нуклеофил марказ, ЭСП максимум қиймати 136.49 ккал/моль бўлган гидроксил гуруҳидаги натрий атомидир. Молекулалараро таъсирлашувларда электроно-донор сифатида қатнашиши мумкин бўлган марказлар сифатида

молекуланинг сульфо гуруҳининг кислород атоми кўрсатиш мумкин. ЭСП таҳлили ушбу бирикманинг полимер бирикмаларга боғланиши сульфо гуруҳидаги энг ҳаракатчан натрий атоми тутган гидроксил гуруҳи орқали бориши мумкинлигини кўрсатди.



5-расм. Бирикманинг ЭСП максимум ва минимумлари (ўнгда ён томондан кўриниши). Қизил сферик чизиқлар ЭСП минимумларини, бинафша сферик чизиқлар эса ЭСП максимумларини ифодалайди. Катта максимумлар ва кичик минимумлар стрелкалар билан кўрсатилган.

3-жадвалда ГННС реагенти молекуласида донор-акцептор хусусиятидаги атомларининг эффектив заряд миқдорлари келтирилган.

3-жадвал

ГННС реагенти молекуласида донор-акцептор хусусиятидаги атомларининг эффектив заряд миқдорлари

	MNDO	TZVP
$\delta_q O^1_{(OH)}$	-0,199	-24,02
$\delta_q O^2_{(OH)}$	-0,145	-21,45
$\delta_q O^3_{(OH)}$	-0,249	-31,8
$\delta_q O^1_{(S=O)}$	-0,315	-46,27
Ҳосил бўлиш энергияси	-2558.3 (kcal/mol)	-2553.6 (kcal/mol)

Энг катта электрон булут зичлиги сульфо гуруҳида кузатилди, аммо бу гуруҳ нофаол бўлганлиги сабабли гидроксил гуруҳларидаги кислород атомлари ҳисобига реагентлар ташувчига иммобилланади, металл ионлари билан комплекс ҳосил бўлиши реагентнинг гидроксогуруҳлари ҳисобига содир бўлади.

Ванадий, молибден ва вольфрамни иммобилланган ФФ, ПБ ва ГННС билан комплексларининг тузилиши, уларни ташувчига иммобилланиш механизми ИҚ-спектрларнинг натижаларидан аниқланди. Реагентларнинг ва уларнинг металл ионлари билан комплексларини ИҚ-спектрлари Avatar-300 асбобида 400 – 4000 см^{-1} частотаталар интервалида олинган.

ПД-1 сорбентининг, реагент ва иммобилланган реагентнинг ва комплекснинг ИҚ-спектрлари ўрганилганда ютилиш частоталаридаги асосий ўзгаришлар реагент ва сорбентнинг -N=N- , -OH , сульфогуруҳларига тегишли бўлган 1460-1357 см^{-1} , 3450, 3500, 1400-1500 см^{-1} , ва 1700-1750 см^{-1} соҳада кузатилади. Натив ва иммобилланган реагентнинг ИҚ-спектрлари солиштирилганда, асосий ўзгаришлар -N=N- , ва -OH гуруҳлар учун характерли бўлган соҳада содир бўлади.


Толанинг иммобилланишдан олдин ва кейинги ИҚ-спектрлари ўрганилганда, асосий ўзгаришлари -OH гуруҳлар учун хос бўлган 3316-3437 см^{-1} соҳада содир бўлади, уларнинг кенгайишини молекулалараро боғларнинг ҳосил бўлишига киритиш мумкин. Реагентнинг -N=N- гуруҳлари учун характерли бўлган 1460-1357 см^{-1} , 1400-1500 см^{-1} соҳада ютилиш чизиқлари кузатилади. 3164 – 3437 см^{-1} соҳада -OH гуруҳ учун хос бўлган интенсив чизиқнинг пайдо бўлиши иммобилланган реагентга тегишли. Демак, реагент $\text{-SO}_3\text{H}$ гуруҳлари орқали ташувчининг -NH_2 гуруҳига иммобилланади. ГННС иммобилланиш механизмларини ўрганиш учун ташувчи, реагент, иммобилланган реагент ва унинг металл ионлари билан комплексларини ИҚ-спектрлари олинди.

Иммобилланган ГННС ИҚ спектрида 3000-3600 см^{-1} соҳада интенсив ютилиш чизиғини пайдо бўлиши ассоцирланган -OH гуруҳларнинг валент тебранишлари билан тушунтирилади. Бундан ташқари, 1100 см^{-1} соҳадаги интенсив чизиқ фенолнинг гидроксид гуруҳини деформацион тебранишларига тегишли. Реагентнинг молекуласининг ИҚ спектрида 1500, 1600 см^{-1} соҳаларда -C=C- , -C=N- , -N=N- гуруҳлар учун хос бўлган бир нечта чизиқлар кузатилади.


4-жадвал

Иммобилланган реагентлар ва комплекс ҳосил бўлишнинг ИҚ-спектр натижалари

Функционал гуруҳ	$N_{\text{ташувчи}}$ см^{-1}	$V_{\text{реагент}}$ см^{-1}	$V_{\text{иммобилланган реагент}}$, см^{-1}	$V_{\text{Комплекс}}$ м^{-1}	$\Delta\nu$
-NH_2	2987	-	2915	2915	72
-N=N-	-	1549	1425	1455	124
-OH	-	3450	3415	358	3092
-CN	2243	-	2240	2240	3



6-расм. ГНС реагентининг ИҚ-спектри.




7-расм. Имобилланган ГНС реагентининг ИҚ-спектри.

ГНС спектрлари солиштирилганда иккита ўхшаш интенсив чизиқлар кузатишмоқда, улар -ОН ва -N=N- гуруҳлари учун хос.


Органик реагентларнинг ИҚ-спектрларида ФФГ (-ОН, -N=N-) ва АФГ (-SO₃H; -ОН) фрагментларида чизиқларнинг батохром силжиши 26-83 см⁻¹ кузатилади, бу эса имобилланиш ва комплекс ҳосил бўлишнинг тахмин этилган механизмларини исботлаб беради.

Электрон зичлиги энг катта бўлган аминогуруҳ ва реагентнинг гидроксил гуруҳи ион боғ ҳосил қилади. Комплексларни функционал-фаол гидроксигуруҳлар орқали ҳосил бўлиши ҳам электрон спектроскопия усулида исботлаб берилган. Эритмадаги комплексларнинг спектрларида ва ташувчига имобилланган реагентнинг спектрларида битта соҳада максимумларнинг кузатилиши, комплекс ҳосил бўлиши бир хил функционал фаол гуруҳлар ҳисобига боришини кўрсатади. Баъзи спектрларда имобилланган реагентлар билан комплексларнинг ютилиш спектрларида нативга нисбатан 10-25 нм га силжиш кузатилади. Буни ташувчида комплекс молекулаларини тебранма ва айланма ҳаракатлари йўқлигини кўрсатади, яъни фазовий тўсиқлар туфайли қаттиқ молекуляр скелетга эга.

Ванадий, молибден ва вольфрамни имобилланган ФФ, ПБ ва ГНС билан комплексларининг тузилиши ИҚ-спектрларидан олинган натижалар асосида тахминий тузилиш формулалари тузилди (8-расм).



Ванадийни ФФ реагенти билан ҳосил қилган комплекснинг структура формуласи



Вольфрамни ГННС реагенти билан ҳосил қилган комплекснинг структура формуласи

8-расм ФФ ва ГННС реагентларининг ванадий ва вольфрам ионлари билан ҳосил қилган комплексларининг тахминий тузилиши.

Диссертациянинг «Ванадий(IV), молибден(IV) ва вольфрам(IV) ионларининг комплексларини эритмада ва ташувчидаги аналитик ва метрологик таснифларини ўрганиш» номли тўртинчи бобида аниқланаётган металл ионлари билан иммобилланган ФФ, ПБ ва ГННС органик реагентлари ёрдамида комплекс ҳосил бўлишнинг аналитик параметрлари ўрганилган.



ФФ ва ПБнинг полимер матрицаларда сорбцияланиш изотермалари ўрганилган. Изотермалар S- ва L-турга мансуб ва адсорбциянинг нокимёвий (S-тури), турларини тавсифлайди, улар дисперсион кучлар, водород боғлар ёки гидрофоб таъсирлашувлар туфайли юзага келади, хемосорбция (L-тури) аралаш таъсирлашувлар, ион ва координацион боғлар туфайли юзага келади.

Сорбциянинг экспериментал изотермаларининг кўринишидан келиб чиққан ҳолда тахмин қилиш мумкинки, ПБ молекулалари полимер матрицаларнинг юзасида бир томондан гидрофоб боғланиш (сувли муҳитдан чиқариб юборилган молекулалар ассоциацияси) ва Ван-дер-Ваальс кучлари ҳисобига, бошқа томондан хемосорбция ҳисобига тутиб турилади.

Органик реагентлар билан иммобилланган тола ёрдамида ўрганиланаётган ионларини аниқлашда аналитик сигналга реагентнинг табиати, сарфланадиган вақти, муҳити ва бошқа омиллар таъсир кўрсатиши адабиётлардан маълум, шунинг учун металл ионларини сорбцион-спектрофотометрик аниқлаш шароитларини оптималлаштириш орқали усулнинг сезгирлиги ва селективлигини ошириш, ҳамда шу орқали бегона ҳалақит берадиган ионларнинг таъсирини камайтириш мумкин.

Металл ионларини эритмадаги ва ташувчига иммобилланган реагентлар билан комплекс ҳосил қилишини солиштириш мақсадида, ҳалақит берадиган бегона ионлар иштирокида аниқлашлар олиб борилди ва олинган натижалардан ҳалақит берувчи ионларни бартараф қилиш усуллари кўриб чиқилди. Реагентларни ванадий(IV), молибден(IV) ва вольфрам(IV) ионлари билан комплекс ҳосил бўлишида иммобилланган ОРнинг сезгирлиги эритмадагига нисбатан юқори эканлиги аниқланди. Ванадий(IV), молибден(IV) ва вольфрам(IV) ионларини аниқлашнинг танловчанлиги сорбцион-фотометрик усулда фотометрик усулга нисбатан юқори, ташувчи ва эритмадаги реакцияларда ўхшашлик кузатилган. Вольфрамни фотометрик аниқлашда кўпгина металл ионлари ҳалақит беради, сорбцион-фотометрик

усулда иммобилланган ГННСдан фойдаланишда фақат темир ва мис ионлари халақит беради. Темир ва бошқа осон гидролизланадиган ионларни эритмага фторидлар ва тартратлар қўшиб йўқотиш мумкин. Ванадий, молибден ва вольфрам ионларини иммобилланган реагентлар ёрдамида аниқлашнинг оптималлаштирилган шароитларида градуировка графиклари тузилди, улар 9-расмда келтирилган.



9-расм. Иммобилланган ФФ, ГННС ёрдамида мос равишда ванадий ва вольфрам ионларини аниқлашнинг градуировка графиклари

Аналитик сигналнинг қайта тикланувчанлигини ўрганиш учун иммобилланган реагентлар ва ташувчиларни кўп марта ишлатиш бўйича тадқиқотлар олиб борилди. Иммобилланган ташувчиларни ванадий(IV), молибден(IV) ва вольфрам(IV) ионларини аниқлаш учун ишлатиш имкониятлари сорбция ва десорбция жараёнларида ўрганилди. Келтирилган 5-жадвалдан кўриниб турибдики, циклларда аналитик сигналнинг қайта тикланувчанлиги қониқарли.

5-жадвал

Сорбция ва десорбция жараёнларида аналитик сигнални қайта тикланувчанлиги ($R=0,95$; $n=3$)

Циклнинг қайта тикланувчанлиги		1	2	3	5	8	9	10	12	15
ИМ-ПБ	ΔA	0,294	0,294	0,294	0,292	0,290	0,270	0,265	0,219	0,210
	%	92	92	92	92	91	90	87	80	76
ИМ-ГННС	ΔA	0,352	0,352	0,352	0,352	0,352	0,352	0,352	0,333	0,332
	%	94	94	94	94	94	94	94	92	90

Сорбция ва десорбция жараёнларини ўтказганда аналитик сигнал сифатида реагентнинг регенерациясидан аввалги ва кейинги ютилиш спектрларидаги фарқи олинди, ташувчи сифатида полимер толалар ППД-1 ишлатилди. Регенерациядан кейин ГННСдан 4-6 марта фойдаланиш мумкин.

Иммобилланган органик реагентларни металл ионлари билан қаттиқ фазада ва эритмада комплекс ҳосил бўлишининг аналитик параметрлари ва метрологик тавсифлари солиштирилди. Олинган комплексларнинг баъзи бир тавсифлари эритмадагига нисбатан яхшиланганини кузатиш мумкин. Қаттиқ фазада олинган ютилиш спектрлари (нур қайтариш спектрлари) иммобилланган реагент билан металл иони нисбатини 1:1 деб кўрсатди, бу

мувозанатлар силжиши, изомоляр сериялар ва Асмус усуллари ёрдамида исботланди.

Бегона йўлдош ионларнинг ванадий, молибден ва вольфрам ионларига таъсирини ионларнинг реал объектларда ўрганиш натижасида, эритмадагига нисбатан полимер ташувчига иммобилланган реагентларда уларнинг таъсири камайгани кўрсатиб берилди.

Диссертациянинг «**Ванадий, молибден ва вольфрамни ишлаб чиқилган сорбцион-спектроскопик усуллари**нинг аналитик қўлланилиши» номли бешинчи бобда бу ионларни сорбцион-спектрофотометрик аниқлаш усуллари ишлаб чиқиш бўйича олинган натижалар келтирилган. Бу усуллар бинар учламчи ва мураккаб модел аралашмалар ва реал объектларнинг таҳлилида қўлланилган.

6-жадвал

Ванадий, молибден ва вольфрам ионларини иммобилланган реагентлар билан комплексларининг спектрал тавсифлари

Иммобилланган тизим	pH	λ_{\max} , R	λ_{\max} , КОМ П	$\Delta\lambda$	ΔA	$\varepsilon \cdot 10^4$	С.с., 10^{-4} МКГ/МЛ
ППД-1:ФФ:VO ²⁺	1,8	440	560	120	0,17	2,2	0,01
ППД-1:ПБ:MoO ²⁺	2,2	550	660	110	0,22	1,6	0,01
ППД-1:ГНС:WO ²⁺	2,4	513	630	117	0,26	2,8	0,004

Олинган натижалар, реакция контраст ($\Delta\lambda$) ва сезгирлигини (ε) кўрсатади.

Ванадий(IV), молибден(IV) ва вольфрам(IV) ионларини индивидуал эритмаларда аниқлаш учун «киритилди-топилди» усулидан фойдаланилди, олинган натижалар киритилган миқдорларга мос келади, нисбий стандарт четланиш 0,33 дан ошмайди. Бу ишлаб чиқилган усулларни тўғрилиги аниқлиги ва қайта тикланувчанлигини кўрсатади.

Ишлаб чиқилган сорбцион-фотометрик усулларни ванадий(IV), молибден(IV) ва вольфрам(IV) ионларини реал объектларда аниқлашда қўллаш имкониятларини топиш учун сунъий иккиламчи, учламчи ва мураккаб модел аралашмалар тайёрланди. Ванадий(IV), молибден(IV) ва вольфрам(IV) ионларини сунъий аралашмалар ва реал объектларда аниқлаш натижалари 7-ва 8-жадвалларда келтирилган.

7-жадвал

Ванадий (IV) ионини мураккаб модель аралашмаларда сорбцион-фотометрик аниқлаш натижалари (P=0,95; n=5)

Таҳлил қилинадиган аралашма таркиби, МКГ	Топилди V, МКГ ($\bar{x} \pm \Delta X$)	S	S _r
V(1,0)+Pb(2,0)+Zn(15);	0,93±0,09	0,08	0,084
V(1,0)+Cr(2,0)+ Cd(4,0);	0,96±0,18	0,16	0,081
V(1,0)+Cr(2,0)+ Cu(1,0);	1,03±0,21	0,19	0,096
V(1,0)+Cr(1,0)+Cd(13,0)+Cu(10,0);	1,06±0,12	0,11	0,112
V(3,0)+Cr(5,0)+ Fe(15,0)+Mn(10,0);	2,87±0,68	0,59	0,121
V(0,5)+Cr(3,0)+Cd(2,0)+Cu(10,0)+Fe(30,0).	0,57±0,63	0,55	0,172

8-жадвал

Вольфрам (IV) ионини мураккаб модел аралашмаларда сорбцион-фотометрик аниқлаш натижалари (P = 0,95; n = 4)

Таҳлил қилинадиган аралашма таркиби, мкг	Топилди W, мкг ($\bar{x} \pm \Delta X$)	S	S _r
W(0,4)+Mo(0,4)+Ag(0,4);	0,41 ± 0,08	0,05	0,132
W(0,5)+Cu(5,0)+ Mo(5,0);	0,52 ± 0,13	0,08	0,137
W(0,6)+ Mo(5,0)+ Pb(0,8);	0,58 ± 0,11	0,07	0,120
W(0,5)+Fe(0,5)+Pb(7,0)+Mo(0,1);	0,54 ± 0,13	0,08	0,153
W(0,6)+Mo(1,5)+Pb(60,0)+Fe(30,0);	0,58 ± 0,14	0,09	0,138
W(0,7)+Mo(0,75)+Pb(8,0)+Cu(2,0);	0,72 ± 0,18	0,11	0,156

Ванадий, молибден ва вольфрам ионларини аниқлашнинг ишлаб чиқилган усуллари табиий объектларнинг реал намуналари таҳлилида қўлланилган.

Тадқиқотлар асосида ванадий, молибден ва вольфрам ионларини аниқлашнинг ишлаб чиқилган янги сорбцион-спектроскопик усуллари реал объектлар таҳлилида қўллаш имкониятлари кўрсатиб берилди.

9-жадвал

Молибден (IV) ионини турли тупроқ намуналарида аниқлаш натижалари (P = 0,95)

№	Топилди Мо, мкг/кг ($\bar{x} \pm \Delta X$)	n	S	S _r
1	0,75±0,12	5	0,09	0,120
2	1,53±0,16	4	0,10	0,065
3	2,81±0,09	5	0,07	0,025
4	3,31±0,10	4	0,06	0,018
5	4,12±0,06	5	0,05	0,012
6	5,76±0,05	4	0,03	0,005

Ишлаб чиқилган усул бўйича олинган натижаларнинг тўғрилиги ва қайта тикланувчанлиги «қўшимчалар қўшиш» усулида ванадий иони табиий сувларнинг реал намуналарида аниқлаш орқали исботланди. Олинган натижалар 10-жадвалда келтирилди

10-жадвал

Ванадий (IV) ионини аниқлашда ишлаб чиқилган сорбцион-фотометрик усулининг реал объектларга қўлланилиши (P = 0,95)

Намуна номи	топилди V, мкг/дм ³ ($\bar{x} \pm \Delta X$)	n	S	S _r
Чирчиқ дарёси	1,21±0,09	5	0,11	0,090
Ангрен дарёси	0,94±0,11	4	0,07	0,074
Амударё	0,89±0,10	5	0,08	0,089
Сурхондарё дарёси	0,78±0,09	4	0,06	0,077

Ишлаб чиқилган сорбцион-фотометрик усуллар адабиётларда келтирилган, саноатда қўлланиладиган усуллар билан солиштирилди ва уларнинг рақобатбардошлилиги кўрсатиб берилди.

Вольфрам ионларини ГННС билан сорбцион-фотометрик ва фотометрик аниқлаш натижалари (ишлаб чиқилган усулнинг рақобатбардошлиги) (n=5; p=0,95)

№	Топилган вольфрам, %		Sr		Хатоси	
	Ишлаб чиқилган усул	Фотометрик усули	Ишлаб чиқилган усул	Фотометрик усул	Абсолют	Нисбий
1	2,55±0,01	2,61±0,54	0,0042	0,0044	0,06	2,29
2	4,81±0,02	5,01±0,38	0,0046	0,0061	0,20	3,99
3	8,26±0,03	8,49±0,11	0,0025	0,0095	0,23	2,71
4	1,33±0,81	1,35±0,34	0,0042	0,0051	0,02	1,48

11-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўришиб турибдики, вольфрамни аниқлашда ишлаб чиқилган ва фотометрик усулларнинг натижаларининг корреляцияси кузатилган.

ХУЛОСА

1. Ванадий(IV), молибден(IV) ва вольфрам(IV) ионларини сорбцион-фотометрик аниқлаш усулида ППД-1 толасига иммобилланган органик реагентлар: фенилфлуорон, пирокетехин бинафша ва 1-(2- гидроксид -1-нафтоило)-2-нафтол-4-сульфат кислотанинг натрийли тузи аналитик реагентлар сифатида тавсия этилди.
2. Ванадий(IV), молибден(IV) ва вольфрам(IV) ионларини иммобилланган органик реагентлар ёрдамида аниқлашнинг мақбул шароитлари тавсия қилинди.
3. Фенилфлуорон, пирокетехин бинафша ва 1-(2- гидроксид -1-нафтоило)-2-нафтол-4-сульфат кислотанинг натрийли тузи реагентларнинг электрон булут зичликлари ORCA дастурининг B3LYP/def2-TZVP усули ёрдамида аниқланди ва толали сорбентга органик реагентларни иммобиллашда $-SO_3H$, металл ионлари билан комплекс ҳосил бўлишида эса $-OH$ ва $-N=N-$ иштирок этиши исботланди.
4. Ванадий(IV), молибден(IV) ва вольфрам(IV) ионлари толага иммобилланган реагентлар билан ҳосил қилган комплексларининг тузилиши ИҚ ва электрон спектроскопия усули билан ўрганилди, комплекснинг таркиби мувозанатлар силжиши, изомоляр сериялар ва Асмуснинг тўғри чизиқли усуллари ёрдамида $Me:R=1:1$ эканлигини аниқлаш имконини берди.
5. Ванадий(IV), молибден(IV) ва вольфрам(IV) ионларини иммобилланган органик реагентлар ёрдамида сорбцион-фотометрик аниқлаш усули ишлаб чиқилди, олинган натижалар нисбий стандарт четланиш қиймати 0,33 дан ошмаган ҳолда модел, бинар, учламчи ва мураккаб аралашмалар аналитика қўллашга тавсия этилди.
6. Ишлаб чиқилган сорбцион-фотометрик анализ усулини стандарт намуналар, рудалар, тупроқ, саноат оқова сувлари таркибидан V(IV), Mo(IV) ва W(IV) ионларини аниқлашда қўлланилди, «ОКМК» ва «НКМК» лабораторияларида синовдан ўтди ва амалиётга қўллашга тавсия этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.К.01.03
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ
НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

РАХИМОВ САМАРИДДИН БОХОДИРОВИЧ

**РАЗРАБОТКА СОРБЦИОННО-СПЕКТРОСКОПИЧЕСКИХ МЕТОДОВ
ОПРЕДЕЛЕНИЯ ИОНОВ ВАНАДИЯ, МОЛИБДЕНА И ВОЛЬФРАМА
ИММОБИЛИЗОВАННЫМИ ОРГАНИЧЕСКИМИ РЕАГЕНТАМИ**

02.00.02-аналитическая химия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Тошкент – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) по химическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2020.2.PhD/K299

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу Научного совета ik-kimyo.nuu.uz. и информационно-образовательном портале «ZiyoNET» по адресу www.ziyo.net.uz.

Научный руководитель

Сманова Зулайхо Асаналиевна,
Доктор химических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Султонов Марат Мирзаевич
Доктор химических наук, доцент

Тиллаев Санжар Усмонович
Кандидат химических наук, доцент

Ведущая организация

Ташкентский фармацевтический институт

Защита диссертации состоится «19» января 2021 г. в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.K.01.03 при Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100174, Ташкент, ул. Университетская, 4, Тел.: (99871)246-07-88, (99871)277-12-24; факс: (99871) 246-53-21. e-mail: chem0102@mail.ru.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана за № 140 100174, Ташкент, ул. Университетская 4, Тел.: (99871)246-67-71).

Автореферат диссертации разослан «29» 12 2020 г.
(протокол рассылки № 18 от 28.12 2020 г.)



Х.Т.Шарипов

Председатель научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.х.н., профессор

Д.А.Гафурова

Ученый секретарь научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.х.н.

Э. Абдурахманов

Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению учёных степеней,
д.х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ. (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировом масштабе в последние годы в результате интенсификации производства и промышленности, развития науки, а также внедрения в производство новых технологических процессов значительно возрастает антропогенное влияние на окружающую среду. Определение тяжелых токсичных канцерогенных металлов, рассеянных в окружающей среде, с помощью большинства используемых в настоящее время аналитических методов анализа требует значительных затрат времени. Именно поэтому, при определении ионов металлов с использованием иммобилизованных органических реагентов, усовершенствование экспрессных, простых и селективных сорбционно-спектроскопических «гибридных» методов, для достижения высокой эффективности имеет большое значение.

В мире химиками-аналитиками ведутся широкомасштабные исследования по разработке и совершенствованию «гибридных» методик определения тяжелых токсичных металлов с помощью иммобилизованных на волокна комплексобразующими органическими реагентами. В этой связи актуальными проблемами являются иммобилизация органических реагентов на волокнистых носителях, определение механизма участия в этом процессе аналитических активных групп, подбор функционально активных групп при комплексообразовании, иммобилизация, оптимизация и создание новых методов. Использование органических реагентов, иммобилизованных на волокнах и обладающих высокой селективностью, воспроизводимостью и чувствительностью имеют особое значение для разработки современных методов определения ионов ванадия, молибдена, вольфрама из различных объектов окружающей среды.

В республике для развития химической промышленности особое внимание уделяется на создание «гибридных» методов определения ионов тяжёлых и токсичных металлов в объектах окружающей среды. На основе проведенных нормативных мероприятий в данном направлении достигнуты определенные успехи, в частности, проводятся широкомасштабные научные исследования по качественному и количественному контролю состава сточных вод, руд, промышленных отходов. В частности, с помощью иммобилизации органических реагентов разрабатываются новые сорбционные методы обнаружения ионов металлов различных объектах окружающей среды. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан были определены основные задачи по «Ускоренному развитию производства готовых продукции на основе переработки местного сырья, освоению производства принципиально новых видов продукции и технологий, повышение уровня модернизации на новый уровень с точки зрения качества». В связи с широким использованием таких металлов, как ванадий, молибден и вольфрам в химической промышленности, народном хозяйстве нашей

республики важно разработать современные, более надежные, быстрые и дешевые методы их обнаружения.

